



НАБИЖОН МАМАДАЛИЕВ

АССАЛОМ, ЎЗБЕКИСТОН!



ТОШКЕНТ

Набижон МАМАДАЛИЕВ

**АССАЛОМ,
ЎЗБЕКИСТОН!**

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

М-23

М-23 Н.Мамадалиев. Ассалом, Ўзбекистон!. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 100 бет.

ISBN 978–9943–975–10–1

Ушбу шеърий тўпламга серқирра шоир Набижон Мамадалиевнинг она-Ватан, табиат мўъжизалари, болалар психологияси, «нафас олган ҳар бир тирик жон миннатдор бўлиши» лозим бўлган феъли кенг деҳқоннинг камтарлиги ҳақидаги шеърлари киритилган.

Шоирнинг оддий нарса ва ҳодисалардан жиддий фалсафий фикрлар айта олиши, кишилар характерини оча билиш қобилияти, шеърларидаги янги ташбеҳлар шеърият мухлисларини бефарқ қолдирмайди.

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

Масъул муҳаррир:

Рашидхон Шукуров – Халқаро антик дунё Илмий академияси ва Турон фанлар академиясининг академиги.

Такризчилар:

Анвар Юнус – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси;

Комил Жўра – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

ISBN 978–9943–975–10–1

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

© Набижон Мамадалиев, 2014.

ҚАЛДИРҒОЧ (Шеъримга)

Уч, энди учақол қалдирғочгинам,
Мен сенга тилайин оқ йўл, оқ парвоз.
Юксак-юксакларга қанотингни ёз,
Уч, энди учақол қалдирғочгинам.

Қалбим парчасидан яратдим сени,
Эзгу ўйларимдан бахш этдим қанот.
Поклик ҳамроҳ бўлсин йўлда умрбод,
Қалбим парчасидан яратдим сени.

Фақат шудир менинг орзу-тилагим,
Асло ин қурмагин очик айвонга.
Одамлар қалбини олгин нишонга,
Фақат шудир менинг орзу тилагим,

Уч, энди учақол, қалдирғочгинам!

ВАТАН (Вальс)

Олам аро жар соламан келмиш замонинг,
Озод элим, обод элим йўқдир армонинг,
Бошлар узра Хумо қушим зўр соябонинг,
Умр бўйи эъзоз этай мангу бўстоним,
Онам менинг, онам менинг – Ўзбекистоним!

Тўй устига тўйлар бўлиб ҳар ошиёнда,
Навоийлар наво қилган шаккар забонда,
Куйлай, ғубор нима қилсин шундоғ замонда,
Кунлар сўлим, тунлар сўлим, роҳат маконим,
Онам менинг, онам менинг – Ўзбекистоним!

Маъдан билан тўлиб тошган ўнгу сўлларинг,
Нурли-нурли манзилларга туташ йўлларинг,
Дунё бўйлаб етар энди олтин қўлларинг,
Неъматлари, сарватлари туганмас коним,
Онам менинг, онам менинг – Ўзбекистоним!

Буюк савлат, буюк қудрат ўзингга хосдир,
Буюк давлат, буюк миллат азмингга мосдир,
Замин узра буюк жаннат сенда холосдир,
Парвонангдир Аллоҳ берган буюк Султоним,
Онам менинг, онам менинг – Ўзбекистоним!

АССАЛОМ, ЎЗБЕКИСТОН! *(Тонг шеъри)*

Манзил гўшасига тўлин Ой ётди,
Юлдузлар қикирлаб Кунни уйғотди,
Сўлим, фароғатли оппоқ тонг отди,
Янги кун хайрли бўлсин бегумон,
Ассалом, Ўзбекистон!

Жовидон* мавжудот ўқир салавот,
Осуда, тинч бўлсин замин-самовот,
Аллоҳим ёғдирсин файзу баракот,
Эш бўлсин садоқат, диёнат, иймон,
Ассалом, Ўзбекистон!

Юртбошим табассум бирла уйғонсин,
Алломалар илҳом нурига қонсин,
Ҳар кимса элим деб, юртим деб ёнсин,
Ҳайратда лол қолсин жумлайи жаҳон,
Ассалом, Ўзбекистон!

* Тирик мавжудот.

Ақл муҳандиси – устоз сиймолар,
Умр побонлари – Ибни Синолар,
Даврон гаштин сурсин меҳри дарёлар,
Эл ва юрт бахтига бўлсинлар омон,
Ассалом, Ўзбекистон!

Истиклол неъматини – тадбиркорларим,
Ватан, халқи учун фидокорларим,
Равнақ мезонида ўрни борларим,
Бадавлат инсонлар кўпайсин чунон,
Ассалом, Ўзбекистон!

Ватан тақдирига бўлиб дахлдор,
Алпомиш ҳайбатин айлаб ошкор,
Темурий авлодлар сарҳадда бедор,
Гулгун ҳаётимиз мангу фаровон,
Ассалом, Ўзбекистон!

Ҳизр нафас урса ҳар битта конда,
Омад, зафар қучиб Қамчиқ томонда,
Тоғ қазар Фарҳодлар бўлсин омонда,
Манзилга чорласин бош эгиб доvon,
Ассалом, Ўзбекистон!

Эзгу амал топиб орзу ҳаваслар,
«Отайўл», «Нексия» «Тико», «Дамас»лар,
Манзилга ошиққан қутлуғ нафаслар,
Ипак йўлларида урсинлар жавлон,
Ассалом, Ўзбекистон!

Жаҳонга бергисиз Буюк аждодлар,
Заррин япроқлари бўлган зурёдлар,
Камол топаверсин соғлом авлодлар,
Ворислари оқил ҳамда паҳлавон,
Ассалом, Ўзбекистон!

Жаранглаб қўлдаги ўйноқи созим,
Муяссар куйласа – булбулнавозим,
Дунё қадар етса эркин овозим,
Булбуллар маскани – жаннатий бўстон,
Ассалом, Ўзбекистон!

Ҳар дилда уйғониб улуғвор ғоя,
Шаҳдам босиб яна бир пиллапоя,
Қучайлик шарафу шон бениҳоя,
Иқболга доядир бу янги замон,
Ассалом, Ўзбекистон!

СОҒЛОМ АВЛОДЛАР

Ҳайратда қолдириб азим жаҳонни,
Мангу машғал этиб илму урфонни,
Шарафларга буркаб Ўзбекистонни,
Зуволаси улуғ асил зурёдлар,
Бунда камол топар соғлом авлодлар.

Шафоату меҳр кўриб Аллодан,
Умрлари сархуш қўшиқ-яллодан,
Уйлари бор остонаси тиллодан,
Ошёни Эрамдек сўлим, ободлар,
Бунда камол топар соғлом авлодлар.

Олам аро тенглар ила тенг бўлиб,
Мунаввар йўллари ойдин, кенг бўлиб,
Миллат жамолига ҳусну менг бўлиб,
Истиқлол неъматини – эркин, озодлар,
Бунда камол топар соғлом авлодлар.

Янги замон, янги ҳаёт бўлиб соз,
Она-юрт янгидан топсин, деб пардоз,
Нурли манзилларга қилмоқ-чун парвоз,
Наслу насабига шойиста зодлар,
Бунда камол топар соғлом авлодлар.

Улуғ алломалар, фозиллар бўлиб,
Ҳар жабҳа муроди ҳосиллар бўлиб,
Ҳуқуқий давлатсоз одиллар бўлиб,
Юртбошим ёнида олтин қанотлар,
Бунда камол топар соғлом авлодлар.

ШОИРЛАР

Шоирлар аҳлини махсус яратдинг,
Адолат васфига тилни сайратдинг,
Нодир каломига элни қаратдинг,
Уларнинг ҳомийси ўзингсан-ўзинг.

Уларким игнадур – кийинтиради,
Ўзига бир кийим қийин туради,
Оламнинг ташвишин, ўйин суради,
Уларнинг ҳомийси ўзингсан-ўзинг.

Уларким ўзингдан таралган шуъла,
Яшарлар доимо буюк орзу-ла,
Улар бор гўзаллик, бордур ашула,
Уларнинг ҳомийси ўзингсан-ўзинг.

Дунё чайқалса ҳам чайқалмас булар,
Чайқалса булардан эмасдир улар,
Ўқ эмас нафратли нигоҳдан ўлар,
Уларнинг ҳомийси ўзингсан-ўзинг.

Шоирлар мўл бўлсин қутлуғ замонда,
Эзгулик маъвоси – Ўзбекистонда,
Эллар шодон яшар омон-омонда,
Уларнинг ҳомийси ўзингсан-ўзинг.

МЕН – ДЕМОКРАТМАН (Партиядошларимга)

Истиқлол тонгида янги уйғонган,
Асил эрк қуёшин нурига қонган,
Элим деб, юртим деб, гуркираб ёнган,
Юртбошим ёнида дастёр қувватман,
Мен – демократман!

Халқимнинг жонига жонимни қўшиб,
Ватан томирида оқаман жўшиб,
Зафарлар карвонин олдиға тушиб,
Шаҳдам одимловчи шери миллатман,
Мен – демократман!

Бугун масрур бўлиб кезади жаҳон,
Ўзбек, деб аталган улуғ шараф-шон,
Тенглар аро тенгман энди, бегумон,
Замон-ла, ҳамқадам кезар шиддатман,
Мен – демократман!

Олий манзилларни нишонга олиб,
Бу кўхна дунёга довруғлар солиб,
Истиқбол йўлида бўлганча ғолиб,

Нурли довлардан ошгум албат, ман,
Мен – демократман!

Оқ, яшил, мовий ранг акс этган маёк,
Товланиб хилпирар кўлимда ҳар чок,
Кундузлар – офтоб у, кечалар – чирок,
Парвозга шайланган Хумосифатман,
Мен – демократман!

Ватанни асра, деб ёмон кўзлардан,
Дил бошқа, тил бошқа қаро юзлардан,
Ҳасад елвизаги теккан сўзлардан,
Аллоҳга илтижо қилгум фақат, ман,
Мен – демократман!

Замонам муаррих-носири бўлиб,
Ҳар ишга тайёру ҳозир бўлиб,
Адолат мезонин нозири бўлиб,
Шу буюк халқимга қилгум хизмат ман,
Мен – демократман!

ТАСКИН

«Ойнаи жаҳон» кўзгусида гар,
Юртбошим намоён бўлсангиз бир зум.
Мен ҳушёр тортаман шунда, мунаввар –
Юзингиздан излаб кулгу-табассум.

Ҳар тонг кўрининг-да, дегим келади,
Табассум балқиган офтоб юз билан.
Кулсангиз шу улкан диёр кулади,
Биз уни кўрамиз фақат Сиз билан.

Чехрангизда кўрсам бир шуълайи шанъ,
Демак, осойишта ва тинчдир Ватан.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/722> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/722> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/722>